

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2003 йил 20 ноябрь, №236 (3348) Пайшанба



Олий Мажлиса

Кеча Олий Мажлиснинг Иқтисодий тислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитасида «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторни янада ривожлантириш ва мамлакатда мулкдорлар синфини шакллантириш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.
У парламентнинг XII сессиясида биринчи ўқишда маъқулланган «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамага бағишланди.

Битта лойиҳага юздан зиёд таклиф

Унда Олий Мажлис депутатлари, адлия ва молия вазирликлари, прокуратура, солиқ идоралари, давлат қўмиталари ва бошқа жамоатчилик ташкилотларининг вакиллари иштирок этишди.
Давра суҳбатида мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий секторни янада ривожлантириш ва мулкдорлар синфини шакллантириш масалалари бўйича ўзаро фикр алмашилди. Президентимизнинг 2003 йил 24 январдаги «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилингандан буён ўтган вақт мобайнида қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, шу жумладан, корхоналарнинг мулкдорлари ҳамда ер-участкаларига умрбод мерос қолдириш ҳуқуқи билан эгаллик

қилувчи мулкдорларнинг сони кескин ошгани таъкидланди.
Анжуманда иштирок этган мутахассислар «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонун лойиҳаси мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий секторни янада ривожлантириш учун муҳим омил бўлишини алоҳида таъкидлашди. Чунки унинг қондалари бозор иқтисодиёти ривожланган кўплаб давлатларнинг амалдаги қонун ҳужжатлари меъёрларига тўла мос келади. Қонун лойиҳаси ҳуқуқий мақом олгач, хусусий корхоналарнинг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигининг ҳуқуқий шарт-шароитлари ва кафолатларини таъминлаш имконини беради. Лойиҳада қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари хусусий корхона фаолиятини текшириш уч йилда кўпи билан бир марта назорат

организи томонидан белгиланган тартибда амалга оширилиши, муассисга икки томонлама солиқ тўламалик имконини берувчи меъёрлар киритилганлиги, очиги, кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўлди. Шу боис ҳам Олий Мажлиснинг Иқтисодий тислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитасига вазирликлар, идоралар ва жамоатчилик вакиллари 120 дан ошқ таклиф ва мулоҳазалар келиб тушган.
Давра суҳбатида «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан билдирилган ана шу таклиф ва мулоҳазалар ўрганилиб, лойиҳани янада меъёрига етказишда эътиборга олинishi лозимлиги айтилди.

Ф. САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Замонавий технология асосида

Натижада пахта толаси чиқиши ошди ва унинг сифати ҳам яхшиланди. Шу боис ҳозир ишлаб чиқарилаётган толаннинг ҳаммаси хорижага экспорт қилинмоқда. Айни пайтда жамиятда иш қилган бораётти. Корхонадаги мажмуи қонунга тасдиқланган сармални фойдаланилаётганига боис бир кунда бир неча юз тонна хомашени

қайта ишлашга муваффақ бўлинмоқда. Ишчиларнинг баракали меҳнат қилишлари учун барча шароит яратилган.
СУРАТДА: ишчи Махбуба Ҳасанова.
Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ҲАМКОРЛИК УЎҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон Бадий академияси Замонавий санъат марказида юртимизда қарийб икки ой давом этган Япония маданияти кунларининг ёпиши маросими бўлиб ўтди.
Таъкидланганидек, Буюк ипақ йўли чорраҳасида жойлашган юртимизда азал-азалдан дунёнинг кўпгина давлатлари билан дўстлик ришталари мавжуд бўлган. Мустақиллик йилларида Президент Ислам Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон — Япония ўртасидаги иқтисодий, илмий, маданий алоқалар янги босқичга кўтарилди.
Мамлакатимизда ҳар йили Япония маданияти кунларининг ўтказилиши яхши анъанага айланган. 1996 йилдан буён ўтказилиб келинаётган ушбу тадбир икки мамлакат халқларини янада яқинлаштириш, Ўзбекистон билан Япония ўртасида маданий ҳам-

корликни янада кенгайтиришга хизмат этаяётгани эътиборга лойиқдир.
Япониянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Акио Каваато ушбу тадбир икки мамлакат халқларини ҳамкорлик йўлида янада яқинлаштиришни қайд этди.
Дастурга киритилган бу галги тадбирлар ўзига хослиги ва кенг миқёсда ўтказилгани билан аввалгиларидан фарқланди. Унинг «Ўзбекино» давлат акционерлик компанияси ва Кунчиқар юрт элчилик хамкорлигидаги япон фильмлари фестивали билан бошланганда ўзига хос рамзий маъно бор. Ранг-баранг тадбирлар нафақат пойтахтимизда, балки Самарқанд вилоятида ҳам ўтказилди.
Президент Ислам Каримовнинг 2002 йил июлида Японияга қилган расмий ташрифи ва унда имзоланган ҳуж-

жатлар, жумладан, Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот ҳам мамлакатларимизни, халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштиришга хизмат қилаётти. Япония маданияти кунлари ҳам ана шу яқинлик руҳида ўтгани қувонардир.
Ўз навбатида Кунчиқар юрда ҳам мустақил Ўзбекистон тарихи, адабиёти, маданиятига қизиқиш катта. Келгуси йили Япониянинг йирик таълим университетида бобоклонимиз Алишер Навоий ҳайкали қад ростлайди, ушбу кўҳна заминда Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтади, Ватанимиз ҳаётини акс эттирувчи катта фотокургазма ташкил этилади. Демак, ҳали яна кўплаб хайрли тадбирлар олинди!
Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

ЯПОНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ТАШРИФИ

ТОШКЕНТ. (ЎЗА мухбири Фазлиддин АРЗИЕВ). Мамлакатимизга ташриф буюрган Япония ташқи ишлар вазирининг ўринбосари, Бош вазирнинг «Катта саккизлик»даги шахсий вакили Ичиро Фужисаки 19 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов билан учрашди.
Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги алоқалар турли соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Тонмонлар ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштиришга оид масалалар хусусида фикрлашди.
Меҳмоннинг Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Солиқ Сафоев билан бўлган учрашувида ҳам Ўзбекистон — Япония муносабатларининг бугунги аҳоли, минтақавий хавфсизлик, хусусан, Афғонистондаги вазиятга оид масалалар муҳокама қилинди.

Фармонни ўқиб... ЭКСПОРТ — ҚУДРАТИМИЗ РАМЗИ

Мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспорт ҳажмининг ошириши иқтисодиётимиз ривожига муҳим омил ҳисобланади. Кейинги йилларда бозор механизмининг тақомиллаштиришга катта эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бермоқда. Хусусан, жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида ташқи савдода 515 миллион АҚШ доллари миқдорда ижобий сальдога эришилди. Бу эса мамлакатимиз олтин-валюта захирасини янада кўпайтирди.
Президентимизнинг 26 сентябрда имзолаган «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бундай ютуқларнинг изчиллигини таъминлайди. Чунки шу йилнинг 1 октябидан бошлаб Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида импорт контрактларининг рўйхатга олинishi бекор қилинди. Устав сармоясига давлат улуши 50 фоиздан зиёдни ташкил этадиган, ўзининг валюта маблағларига эга бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузиладиган, давлат бюджетига соҳибдан молияланадиган экспорт-импорт контрактларига мазкур агентликда экспертиза қилиниши белгиланган.
Фармон талабларига кўра, Давлат божхона қўмитаси импорт контрактларининг божхона мониторингини ўтказадиган ваколатли орган сифатида қайта этилди. Импорт контрактларини кўпай-

тириш ва уларни ҳисобга олиш мақсадида мониторингнинг жорий этилиши, шубҳасиз, ташқи савдонинг жадаллаштиришга хизмат қилади. Бу чора-тадбирлар ўз навбатида товарларни божхона орқали баҳолашни, шунингдек, ваколатли органларнинг экспорт-импорт бўйича ахборот айирбошлаш тўғрисидаги ҳамкорлигини кўзда тулади. Ташқи савдо тизимидagi ислохотларни чуқурлаштириш экспорт-импорт операциялари устидан назоратни камайтиришни таъминлайди. Шу билан бирга, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустақамлаш орқали унинг жаҳон иқтисодиёти тизимига кенг қўламада интеграциялашувига йўл очади. Иқтисодиётда рақобатбардор ва экспорт мақсулотидаги турли ва салмоқини кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этади.
Ташқи иқтисодий алоқаларни ва интеграция жараёнини ислоҳ этиш, бунинг асосида экспортни ривожлантириш маълум вақт талаб қилади. Мухим, тадбиркорларнинг ўз мақсулоти экспортини йўлга қўйишлари туфайли мамлакатимизда ишлаб чиқариш суръатларининг йил сайин ошиб боришига эришилади. Бунда жорий халқаро операцияларда сўммизнинг эркин валютага алмаштирилишининг йўлга қўйилгани ўз самарасини беради, албатта.
Шавкат ЗАЙНУТДИНОВ,
иқтисод фанлари доктори,
профессор.

Олий Мажлиснинг ҳар бир сессияси олдида парламентимиз депутатларининг жойларда сайловчилар, фуқаролар билан ўтказаятган учрашувлари яхши анъанага айланган бўлмоқда. Яқинда Тошкент автомобиль ва йўллар коллежида ҳам шундай учрашув бўлиб ўтди.

Депутатлар талабалар ҳузурида

Олий Мажлис Мабуот ва ахборот қўмитаси раиси ўринбосари, Миллий тикланиш партияси раиси, Иброҳим Гафуров ҳамда Олий Мажлис депутати, Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамраиси, «Ўзбекистон мабуоти» журнали бош муҳаррири Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ўқув юрти педагогик жамоаси ва талабалари билан кечган суҳбатни жуда мароқли

бўлди.
Нотик парламентимизнинг навбатдаги сессиясига тайёргарликнинг бориши, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиши, уларнинг матбуотда халқ муҳокамаси учун эълон қилиниши ва келиб тушадиган таклифларни ўрганиш ҳақида батафсил гапириб берди. Коллеж ўқувчиларини ҳам қонун лойиҳалари муҳокамаида фаол қатнашишга чақирди. Ўз навбатида учрашув қатнашчиларининг адабиётга доир саволлари-

га ҳам жавоб берди. Жумладан, адабиётнинг қомил инсонни тарбиялашдаги ўрни ҳақида гапириб, ёш автомобилчиларни хорижий тилларни ўрганишга

Шавкат ҲУБОВ.

Пойтахтимизда МУАЛЛИМАЛАР МАЛАКА ОШИРДИ

ТОШКЕНТ. (ЎЗА мухбири Назозат УСМОНОВА). Таълим сифатини янада яхшилашда ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг Германия техникавий ҳамкорлик жамияти билан биргаликдаги лойиҳаси доирасида кўплаб хайрли ишлар амалга ошириляптир.
Мазкур марказда бўлиб ўтган семинарда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш борасида мамлакатимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилгани, хусусан, жойларда қисқа давр ичида жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган 51 академик лицей ва 428 касб-хунар коллежи қуриб фойдаланишга топширилгани таъкидланди. 1998-2003 йиллар мобайнида янги ташкил этилган таълим масканларининг моддий-техник базасини ривожлантиришга республика бюджетидан 26,81 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Миллий дастурнинг навбатдаги босқичи устувор вазифаларидан бири эса мазкур ўқув даргоҳларида таълим сифати ва мазмунини янги погоналарга кўтаришдан иборат. Бу аввало, коллежларда ёш авлодга илм берадиган педагог кадрларни ўқитишнинг, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг талаб этади.
Таълим мазмунини янада юксалтиришда ўқитишнинг интерфаол усулларида кенг фойдаланиш, ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлигини ошириш, янги таълим-ахборот технологияларини жорий этиш, мультимедиа, электрон дарсликларни амалиётга самарали қўллаш муҳим аҳамият касб этади.
Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг ривожлантириш институтида беш кун давом этган семинарда Марказий Осиё ва Кавказ республикаларидан келган ушбу тизим ўқитувчилари малака ошириш билан бирга, юртимиздаги таълим ислохотлари жараёни билан яқиндан танишиди.

Жойлардан хабарлар

Арзон ва сифатли
Термиз шаҳрида халқ истеъмоли моллари кўرғазма-савдоси ташкил этилди. Доимий равишда фаолият кўрсатадиган ушбу кўрғазмадан вилоятда ишлаб чиқарилаётган маҳаллий саноат, мева-сабзавот, озиқ-овқат, хунармандчилик маҳсулотлари ўрин олган. Кўрғазмада «Совластитайла» Ўзбекистон — Италия қўшма корхонасининг ҳам бир неча турдаги маҳсулотлари бор.
«Ўзкўрғазмасавдо»нинг Сурхондарё вилояти шўба корхонаси кўрғазма ташкилотчиси бўлди.
— Бу ердаги арзон ва сифатли маҳсулотларни қуриб кўзинг қувнайди, — дейди термизлик Гулҳеҳра Сафарова. — «Ўзимизники» деган фахрини туясан киши.
М. ХОЛМАТОВА.

Иборат

«Халқ сўзи»дан бошладик
Жарқўрғон тумани давлат солиқ идораси бошлиғи Абдуҳамид Алиёров мувоқасида «Обуна — 2004» деб ёзилган ҳужжатлар жилдини бизга узатди. Унда шўба раҳбарлари, ўринбосарлари ва назоратчиларнинг қайси наشرларга, қандай муддатларга обуна бўлгани ёзиб қўйилган.
— Мутолаа, ўқиш, янгиликларга қизиқиш, тўғриси, газета ўқишдан бошланади, — дейди Алиёров. — Бир кун газета ўқиман ҳаётдан ўн кун кейинида қолгандай бўлади. Шунинг учун ҳам, менимча, замонавий раҳбар ишнинг ташкил этишини одамларнинг (жамоани) мутолаага даъват этишдан бошлади, айни муддао буларди деб ўйлайман. Биз бу йил ҳам обунани «Халқ сўзи»дан бошладик. Ҳар бир шўбаимиз биттадан шу газетага ва ўзи танлаган бошқа наشرларга обуна бўлди.
Идорада 33 киши ишлайди. Режалди иш ерда қолмас — бу жамоаданларнинг ақилликлари билан айтадиган гапи.
Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОЛГА БОСГАН ФЕРМЕРАЛАР

Уйчида биринчилар қаторида пахта тайёрлаш шартнома расмисини уладлаганлардан бири «Собиржон ота» фермер хўжалигидир. Унинг раҳбари, тадбиркор инсон Аҳмаджон Қорабоев гафла расмисини ҳам қўйилган эди. Пахтага қарашини ҳам жойига қўйган экан, биринчи теримдаёқ марранни забт этди-қўйди.
— Гектар ҳисобига 36,3 центнердан ҳосил йиғиб олдим, — дейди Аҳмаджон. — Бу бултўридан 2 центнер ортқ. Ерга қарасанг, айтганингни берар экан. Галладан салкам 16 миллион сўм даромад олганим, пахтанингни ҳам шунга етказаман, деб турибман.
«Икромбой» фермер хўжалиғи ҳам илгўрлардан. «Ташаббус-2002» тилловининг республика босқичида фахрли ўринини эгаллаган Икромжон Тожибоев ер эгасининг қўлига тушган, хазиналар сандиғига айланшини исботлаб қўйди. Гафла мавсумида давлат
«Пахта — 2003» шартномасидан орттўриб, 700 тонна доinni оморборта босди. Фермер пахтани ҳам дўндирди. Қишлоқдан чиққан мулкдорнинг иқтисодий аҳоли, интилишлари хавас қиладиган даражада. Уй-жойини яхшилаб олган, 12 та техникаси, шу жумладан, қатор юк машиналари, культиватор, комбайнлари бор.
Туманда Аҳмаджон ва Икромжон сингари қишлоқ хўжалиғига елка тутаятганлар сафи тобора кенгаймоқда. Бугун уларнинг сони 2002 кишига етди. Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг Уйчи тумани вакилиги директори Махаммаджон Аҳмадалиевнинг таъкидлашича, фермерлар туманда этиштирилётган галланинг 24, пахтанинг 22 фоизини беришар экан.
Айни кунларда Уйчида бўлган киши барча соҳаларда ислохотлар самаралдорлиги кўтарилаётганлигини сезмай қолмайди. Пилда, гафла бўйича шартномавий режалар ортқиги билан удаланди. Пахтанинг чўғи ҳам дуруст. Ундан ортқ фермерлар расмисини удаллади. «Юсуфжон ота», «Хамроқ», «Чўпон» сингари хусусий хўжаликлар гектаридан 25-35 центнердан хирмон кўтаришиди.
Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон терма жамоаси «Хитой-2004»да

Келаси йили футбол бўйича Хитойда бўлиб ўтадиган «Осиё кубоғи» саралиш уйинларининг «А» гуруҳида иштирок этаётган миллий терма жамоамиз навбатдаги гафлага эришти. Танлана пойтахти Бангкокда ўтказиладиган иккинчи давра учрашувларининг дастлабкисида тожикистонликларни 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратган Рашид Хайдаров шоғирларни Хитой йўналисини кўлга киритишга эди. Кеча Гонконг терма жамоасига қарши майдонга тушган футболчиларимиз 1:0 ҳисобида муваффақият қозонишди. Тўғри биринчи бўлим ўрталарида Николай Ширшов киритди.
Дилмурод ПАРПИЕВ.

Эркинлаштиришнинг янги марралари

Олий Мажлисининг XIII сессияси кун тартиби эълон қилинди. Унда муҳокамага қўйилган масалалар ҳаётимизнинг турли соҳаларини қамраганини кўриш мумкин. "Хусусий корхона тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси (иккинчи ўқиш), "Аҳборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси (иккинчи ўқиш) ва "Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси (иккинчи ўқиш) долзарб ва зарурлиги жиҳатидан бири-бирдан қолишмайди. Куйида юрдошларимизнинг баъзи қонуний ҳолатлари хусусидаги мулоҳазалари билан танишасиз.



Сиз сессиядан шима кутаясиз?

Юлдуз САИДОВА, Республика "Оила" илмий-амалий маркази бош мутахассиси.

— Мен Олий Мажлис сессияларини алоҳида эътибор билан кузатиб бораман. Чунки қонунийликдаги муҳим ўзгариш ва янгиликлардан хабарсизлик бутунги кун кишини учун сув ва ҳавосиз яшашдек гап. Илгари шундай эди. Қонулар номига чиқарилади, уларнинг фақат расмий ҳужжатлардаги ҳаёти бор эди, ҳолос. Ҳозир қонунийликда ҳамма нарса очиққасида: марҳамат, танишинг, иштирок этинг, мулоҳаза билдиринг. Ҳақ бўлсангиз, сўзингиз инobat-га олиниши мумкин.

Бъдан қонуларимиз бошқа, ҳаётимиз бошқа деган гаплар ҳам эшитилди. Қонунга ҳурмат билан қаралса, у бизни ҳурмат қилади. У билан керагича қўролланмасдан туриб, ҳақиқат излаш, сув бўйига челақисиз боргандай гап. Сиз уни обдон ўқинг, ўрганинг, лозим бўлса, оилангизда муҳокама қилинг, унга, аввало, ўзингиз амал қилинг, ёнингиздаги кишини ҳам жалб этинг. Шундан сўнг бир нарса деса бўлади. Ҳақиқатга тўғри йўл билан

борилади, дейишди-ку. Тўғри йўл эса фақат ва фақат қонунга риоя этиш демакдир.

Мана, "Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини олайлик. У бу галги сессияга иккинчи ўқишга киритилган. Моҳиятан хусусий тарзда қўқоқликнинг ҳимоя қилади. Мамлакатимизда муайян товарларни тайёрлаш ёки уларни ишлаб чиқаришнинг шаклланишига салбий таъсир қилувчи четдан келатган демпинг (гиррон) маҳсулотларга қарши курашади. Бу соҳа механизми жаҳон андозаларига мос бўлишини таъминлайди. Мазкур қонунсиз иқтисодий тараққиётини тасаввур этиш қийин. Бу заруратин сессия кун тартибидagi ҳар бир масалага қарата изоҳ қилиш мумкин.

Толиб ҚУДРАТОВ, Ёшлар тўғрисидаги қонуннинг муҳим:

— Олий Мажлиса тайёрлаб, халқ муҳокамага қўйилаётган қатор қонун лойиҳаларига, энг аввало, инсон омили назарда тутилганлиги пайқаш қийин эмас. Улар мунтазам ўзгариб, тақомиллашиб бориши та-

бий. Муҳими, қонуларимиз жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш жараёнига хизмат қилади. Парламентнинг XIII сессиясида Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджетли лойиҳаси ҳам кўриб чиқилиши мўлжалланмоқда. Хўш, 2004 йилги Давлат бюджетининг даромад ва харажат қисмлари қандай бўлади? У инфляция кўрсаткичларини пасайтириш, миллий валютанимиз қадрини кўтариш, солиқ юкни камайитириш йўналишида қандай натижа ва ютуқларга асос бўла олади? 2003 йил якунида ҳамнинг диққат марказидаги бу масалани Олий Мажлис анжуманида кўриштириш кутилаётган муваффақиятларимизни таъминлаши, шубҳасиз.

Ёки "Хусусий корхона тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ҳам ислохотларнинг чуқурлашиб бораётган жараёнига туфайли юзага келган заруратлар. Президентимизнинг 2003 йил 24 январдаги "Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг ҳиссаси ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида янги қонун лойиҳаси тайёрланди. Парламентнинг XII сессиясида биринчи ўқишда муҳокама қилинган. Янада кенг қамровли муҳокама ва эътиборга моликлик, тақомиллаштириш зарурат сезилгани боис мазкур қонун лойиҳаси навбатдаги сессия кун тартибига иккинчи ўқишга муҳокамага қўйилди. У ҳуқуқий асосга эга бўлса, иқтисодимиз тараққиётида муҳим бир поғона бўлиб хизмат қилиши тайин.

"Халқ сўзи" мухбири Мамлакат НОРМУРДОВА тайёрлади.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллигига

Суд ҳимоясида бўлиш — олий ҳуқуқ

"Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг қайси қонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади".

Конституцияимизнинг 44-моддасида ёзиб қўйилган бу қонундан инсон ҳуқуқлари ҳимояси борасида энг катта ютуқ деб баҳолаш мумкин. Яъни, у ёки бу органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ноқонуний қарори, ҳатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари устидан судга ҳеч қандай тўсиқсиз мурожаат қилиш имконияти — чин эркинлик ифодасидир.

Президентимиз ўзининг "Ўзбекистон XXI асрга интилом" асарига: "Суд тизимини ислоҳ қилиш, аввало, ҳукми чиқарувчи судьяларнинг чидакам мустақиллигини таъминлаш қароридир. Фақат шундай қилганда ҳозир судни жазоловчи орган деб билдирган одам судга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган орган сифатида мурожаат қилганидан бўлади. Ана шундангина суд ҳокимиятининг ҳақиқий" мустақил учинчи тармоғига айланиши, деб таъкидлаш бежиз эмас.

Дарҳақиқат, юртимизда олдин фуқароларнинг таъмин, мансабдорларга ўз ҳуқуқини суд орқали ҳимоя қилиш олдин ҳолга айланган. Судлар эшигига боришдан йанмаган,

чўчган даврлар орта қолди. Шу маънода суд жазоловчи эмас, фуқаронинг ҳуқуқини ҳимоя қилувчи орган эканлигига ишон ортомоқда.

Судьяларни танлаш, жой-жойига қўйиш, уларнинг билим даражасини, дунёқарашини юксалтириш, вақти-вақти билан малакасини етарли даражада ошириш ҳисобига муваффақиятларга эришяётганлигини таъкидлаш лозим. Матлумки, оид судловни амалга оширишда бу омилар жуда кўл келади, муҳим роль ўйнайди.

Айтиш жоизки, суд идораларида сарсон-саргардон юришларга барҳам берилайти. Судда ишларни ўз вақтида сифатли қўришдан, айниқса, олдин фуқаро манфаатдор эканлиги кишига хуш ёқди.

Юқори малакали юристларнинг олдин деҳқон, ишчи, тадбиркорларга ёрдам кўрсатишлари, жамиятимизда ҳуқуқий онг юксалётганидан далолатдир. Шунинг натижаси ўлароқ фуқаро қарқая, қачон мурожаат қилиш ҳуқуқини билади, унинг вақти тежалла, мурожаат маданияти юксалади.

Матлумки, судларда иш қўришидаги қоидалар, нормаларнинг соддалигида халқчиллик бор. Қолаверса, суд жараёни мудатларини қисқарттириши ҳам шунга ҳамоҳанглик.

Шунинг айтиш керакки, суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи юридик ёрдам олиш ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки

"Косонсой - АНД корхонаси ишга тушганда барча бирдай қувонди. Айниқса, боғбону соҳибкорларнинг хурсандчилигини айтмаймиз? Негаки, улар ўзлари етиштирган маҳсулотларни ана шу корхонага топширишдек қўлайликка эга бўлишди. Корхонада қайта ишланиб жаҳон андозаларига мос равишда қадоқланаётган маҳсулотларнинг бозори чаққон. Ҳозирда маҳсулотнинг асосий қисми Дания, Россия сингаги мамлакатларга экспортланади. Келгусида бу ерда мевааларни қўриштириш ҳамда 15 турдаги маҳсулотни қайта ишлаш кўзда тутилган".

СУРАТДА: корхона лаборанти Маҳмудахон Баратов иш устида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ш.БЕҒАШОВА, К.ХУДОЙМУРДОВА, Сурхондарё вилояти.

ХАТЛАР СЎЗЛАЙДИ

Бахти бекам аёл

Ўз касбни меҳр билан севадиган аёллар жуда кўп. Шундай замондошларимиздан бири Марҳамат Бобоқўжаевадир. Опа қарийб 30 йилдан буюн Термиз давлат университети кутубхонасида ишлаб келмоқда.

Халқ хизматига қамарбаста педагог, оилада сеvimли бека, болаларнинг меҳрибон ойижониси, халқ назарига тушган устоз М.Бобоқўжаеванинг ҳаёти кўпчилик учун ибрат мактаби десак, муволажа бўлмайди.

— Ҳар бир ўқувчи маърифат излаб кутубхонага боради, — дейди Марҳамат опа. — Уларни очик чехра ва меҳр билан кутиб олиш бурчимиз.

Кутубхоначилик — машаққатли касб. Шу масъулиятли, аммо шарафли касбни эгаллаш, тиришқоқлик, матонат, билим, сабр-тоқат ва малака талаб этади. Марҳамат опала эса буларнинг барчаси мужассам.

Ш.БЕҒАШОВА, К.ХУДОЙМУРДОВА, Сурхондарё вилояти.

Чорвачиликда даромад кўнаймакда

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги «Ал-Борокат» фермер хўжалиги жамоаси ўтган йили 111 миллион 872 минг сўмлик чорвачилик маҳсулотлари сотган эди. Бу йил даромади ана шу кўрсаткичнинг янада оширишнинг мўлжалламоқдалар. Сабаби — хўжаликда 686 бош қорамол бўлиб, унинг 200 боши соғин ситгирлардир. Говмишлардан эса ойига 34-35 тонна сарқаймоқ сут соғиб олинапти.

СУРАТДА: фермер хўжалигининг илгор сут соғувчиси Бўлдиқиз Тошбоева.

Даврон АХМАД олган сурат.

Таъмирталаб уй

Биз яшаётган "Иттифоқ" ширкат хўжалигига қарашли уй 1986 йил қурилган бўлиб, ҳозирги вақтда таъмирталаб аҳволда. Ертўладаги қувурлар чириб, у ер сув билан тўлган. Оқибатда, бинонинг деворлари ўз-ўзидан нураб борапти. Ёгин-соқинли кунларда томдан чакки ўтишидан эса, бузила бошлаган деворлар қулаб тушмасмикин деган қўрқувдамиз.

Таъмирлашда ёрдам сўраб туман ҳокимлигига, туман ободонлаштириш бошқармасига ва бошқа тегишли идораларга мурожаат қилдик. Аммо ҳамон натижа йўқ. Дардимизга ким малҳам бўларкин?

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 18-мавзе 49-уйда яшовчи фуқаролар номидан Гули СИДДИҚХҲАЕВА. (жами 60 та имзо)

Бизни ким тинглайди?

Яқинда автоҳалокат туфайли бахтсиз ҳолиса рўй берди: опамни енгил автомашина уриб юборди. Тўғри, Д.Худойбердиев инсонийлик қилиб, уни касалхонага олиб борган. Дунйёнинг акиси опамни "Оёққа турингизга ёрдам бераман", деб ишонтирган. Бироқ ёрдамдан ҳануз дарак йўқ. Опам қийин аҳволда қолди. Айбдор эса ҳеч нарса кўрмагандек бемалол юрибди. Ахир, қонун посбонлари масъулиятни ҳис қилмасалар, халқни ким ҳимоя қилади?

Башир УЛУҒМУРДОВ, Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани.

Натижа кутаямиз

Биз "Хўлбор" қишлоғимиздаги муаммолардан жуда қийналдик. Электр токи йўқлиги, бевозир пайларда ҳам ёруғликнинг пастлиги туфайли телевизор қўришга, янгиликлардан бохабар бўлишга имкон тополмаймиз. Табиий ҳис, ичимлик суви ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Бу масалалар борасида тегишли ташкилотларга бир неча бор мурожаат қилдик. Ҳамон натижадан умидвормиз.

Бухоро вилояти, Пешку тумани, "Дўстлик" ширкат хўжалиги аҳолиси номидан Алиёр БОТИРОВ.

Газетада босилмади, аммо... Маҳалла оқсоқоли жазоланди

Таҳририятга хат йўлаган Қонимех туманидаги "Дўстлик" маҳалласида яшовчи бир гуруҳ нафақахўрлар шу маҳалла фуқаролар йиғини раиси М.Токпановнинг иш фаолиятидаги камчиликлар ҳамда унинг ўз вазифасига нолойиқ экани тўғрисида ёзишди.

Навоий вилояти ҳокимининг ўринбосари М.ИБРАГИМОВА имзоси билан таҳририятга келган расмий жавобда эса шундай дейлади: "Шикоят хати фуқаролар йиғинини вакиллари йиғилишида туман прокуратураси текшириши натижасида асосида атофронча муҳокама этилди. Ишидаги хато-камчиликлар учун М.Токпановга ҳайфсан эълон қилинди".

Фуқаролар йиғинлари расмлари ва улар масалаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида ҳамда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг 20-моддасида белгиланган ваколат мuddати тухаси билан жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари янги сайлов ўтказилганида давлатимиз сийсатини тўғри тунунганидан, билимди, ишбилармон ҳамда маҳаллада обрў ва ҳурматга сазовор бўлган номзодлар тайинлашига алоҳида эътибор берилди".



126 мингдан зиёд рақоқ аҳоли истиқомат қилувчи Қўшқўпир республикамизнинг гарбий сараҳдарларида жойлашган. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг асосини пахтачилик ташкил қилади. Ҳоразмда деҳқончилик катта меҳнат талаб қилса, Қўшқўпир вилоятнинг энг оғир тупроқ шароитли тумани саналади.

Дарвоқе, туман барча суғориш тармоқларининг охирида жойлашган. Сувнинг энг сароб йиллари ҳам Туркманистон билан chegarдош Ғазовот, Шин, Оқдарбад, Уртаб, Хосен қишлоқларида сув танқислиги сезилди. Қўшқўпирнинг жанубий, гарбий майдонлари Қоракум этекларига тўша, тупроғи қумлоқ бўлгани боис ҳосилдорлигини ошириш кўп меҳнат талаб қилади.

Вилоят бўйича тўпланган зах сувларнинг 70 фоизи коллекторлардан оқиб, Қўшқўпир орқали ўтади. Шу билан ҳам тупроқнинг шўрланиш даражаси баланд.

Шу ўринда фақат туман ҳаётига эмас, бутун Ҳоразмда дахлдор бўлган, унинг иқтисодиётини, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга тўсиқ бўлиб турган бир муаммони айтиб ўтиш керак. Матлумки, вилоятнинг барча зах сувлари "Озерий" коллекторига йиғилади. Ва шу коллектор орқали оқиб чиқиб кетиши лозим. "Озерий" коллектори эса Сарикамийш кўлига қуйилади. Лекин кейинги йилларда "Озерий"нинг вилоятдан ташқаридаги қисмида қазини-тозалаш ишлари олиб борилмагани боис, Қўшқўпир туманидаги зах сувларнинг чиқиб кетиши сезилди. Натижада вилоят, туман тупроғининг шўрланиш даражаси ортиб борапти.

Ислохот одимлари

Хоразмда кўприкни «кўпир» дейишади. Қўшқўпир туманининг номи шундан келиб чиққан бўлса, ажабмас. Ҳақиқатдан ҳам, туман марказини кесиб ўтадиган Ғазовот каналига ёнма-ён турган иккита кўприк мавжуд. Лекин туманининг номлини ҳақида бошқа тахминлар, афсоналар ҳам бор.

Қўшқўпир Муҳаммад аз Замахшарий юрти. Буюк аллома номи билан аталувчи 20 гектарлик боғнинг киравершида унга ёдгорлик биости ўрнатилган. Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги шодённалари ана шу боғда, янгидан барпо этилган кўркам амфитеатрда нишонланди. Амфитеатр саҳнаси эса пахта чаноғи ичида очилаётган чиннигулга ўхшайди. Бунда гўё пахтакор элнинг эртанги куни гулдай очилиб, яшайди деган маъно мужассам.

Қўш кўприкли эл

Бу ҳолат ҳосилдорликка салбий таъсир қилапти. Албатта, «Озерий» коллектори давлат даражасида ечимини топадиган муаммо.

— Бугун 23941 гектар ерда деҳқончилик қилаётган бўлсак, шундан 62,5 фоизи ёки 14841 гектари юқори ва ўрта даражада шўрланган майдонлар ҳисобланади, — деб изоҳ беради туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошчилиги Қадимбой Ортиқов. — Сув танқис бўлса ҳам биз бошқармага қараганда ўшр ювишини бир марта кўп ўтказишга мажбурмиз.

Оғир тупроқ шароитида экилган уруғ тўлиқ униб чиқмай қийин, униб чиққандан кейин эса нихолларни ривожлантиришга қўшимча ишлов, парвариш лозим. Вазиятдан чиқиб учун қўшқўпирлик пахтакорлар чигини кўшқаторлаб пленка остига ҳам, очик усулда ҳам экилади.

Туман пахтакорлари жорий йилда 33160 тонналик кирмон яратиб ниёти билан йиғимтеримга қиришдилар. Баҳорнинг сурункали ёнгарчилиги, салқин келиши пахтанинг пишиб етилишини сезиларли оқдага суриб юборди.

Туманда хусусийлаштириш негизида аграр соҳани ислоҳ қилиш изчил давом этмоқда. Бугун қишлоқ хўжалиги тармоғида 17 та ширкат, 767 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Аввалги йилда Охунбобоев номида ширкат хўжалиги фермерлар бирлашмасига айлантирилган бўлса, жорий йилнинг якунида «Незаҳос», «Тошкент» ва «Хоразм» ширкатларининг ерлари танлов асосида фермерларга берилди. Фермерларнинг ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси ўсиб, саноатчи мустақамаланиб бораётганини кўрсатувчи аниқ мисоллар бор.

«Нурилло», «Бободехқон», «Хумо» каби ўнлаб фермер хўжалиқларининг ибратли ишларини, Раҳий Нуриллаев, Собир Бобоқўжаев, Ҳожибой Иброҳимов, Фарҳод Раҳимов каби фермерларнинг ютуқларини бугун Хоразм билади.

«Нурилло» фермер хўжалиги Хивадаги меҳрибонлик уйини йил бўйи мена-чева билан таъмирлаб келмоқда. Бу йил қишлоқдаги 20-ўрта мактабни таъмирлаш харажатининг бир қисминини хайрия сифатида ўз зиммасига олди.

Туманининг долгондор пахтакорларига эмас, таърибули пиллакорларга ҳам жуда кўп. Бу йил 210 тонна пилла, 96150 тонна бўғай тайёрлаб, белгиланган шартнома режалари тўла бажарилди.

Тадбиркорликка кенг йўл

Қўшқўпир тумани маркази темир йўлдан 25 километр чекка хўжалиқлари эса 70 километргача узоқликда жойлашган. Шу билан туманга моддий техника ресурсларини таллаб келтириш ҳам, маҳсулот, ҳам-ашё олиб чиқиб кетиш ҳам қўшимча харажат талаб этади. Бир вақтлар бу ерда темир йўл келтириш масаласи кўтарилган. Аммо шўро замонида бу ерда саноат ишлаб чиқариш ҳажми етарли эмас, деган баҳона билан тақдир этилган. Зеро, туманда ҳозир ўрта ва кичик саноат тизимини ривожлантиришга эътибор қўйилган.

— Туманимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида барча имкониятлар ишга солинипти, — дейди туман ҳокими Бахтиёр Ражабов. — Муҳими, туман аҳли онгиде, шурида янгиликларни, ўзгариш бор. Деҳқонларимиздаги ерга эгаллик ҳисси уларни ер билан тиллашганига, юқори ҳосил олишга ундапти. Тадбиркорлар ва ишбилармонларимиз сафари ҳам кенгайиб бормоқда. Улар фаолиятларини кенгайтиришлари учун барча шароит яратиб берилапти.

Ҳамиджон Раулов ташаббускор, тадбиркор инсонлардан бири. Мустақиллигининг дастлабки йиллари «Бунёккор» хўжалиги савло ишлаб чиқариш корхонасини очди. Корхонанинг асосий йўналиши ишлаб чиқариш. Маҳсулотининг доври Ташкентга бериб етган. Гишт заводи аҳолига 10 турга яқин қурилиш, таъмирлаш ва бошқа хизматлар кўрсатади. Яқинда у яна бир янгиликка қўл урди.

— Аждоғларимиз бунёдкор ўтган, — дейди Ҳамиджон, — бундан биринга Хивадаги обидалар исботлаб турибди. Бугун ҳам энг замонавий ва гўзал иморатлар барпо этишимиз керак. Хоразмда қадимда томлар лойшўрқ қилинган. Кейин

тадбиркорлар изланапти, ҳарқат қилапти. Саъй-ҳаракатлар ўз натижасини берса ажабмас.

Таълимдаги ибратли ишлар

Туманининг халқ таълими тизими вилоятда катта нуфузга эга. Бу эътироф мактаб, лицей, коллежларни битказиб чиқаётган ўқувчиларнинг билим ва иқтидорига қараб белгиланади.

— Шу йилнинг ўзида 210 нафардан кўпроқ битирувчиларимиз тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, республикамизнинг турли олий ўқув юртилари талабалари бўлдилар, — фахрланиб гапирди туман халқ таълими бўлими мудири Бектурди Собиров. — Бизда, айниқса, математика, кимё, тарих, биология, она тили ва чет тиллари бўйича иқтидорли болалар етишиб чиқапти.

Мудирнинг бу фикрига далил сифатида Умид Исмондов раҳбарлик қилаётган 4-лицей интернат ва Исқандар Худайбергенов раҳбар бўлган 1-жаҳон тиллари лицейининг битказувчиларидан қарийб 93 фоизи биринчи йиллик тест синовларидан юқори кўрсаткичлар билан ўтганини айтиш мумкин.

Туманда таълим тизимининг моддий-техника базасини мустақамлашга алоҳида аҳамият берилмоқда, мактабларни замонавий компьютер технологияси билан жиҳозлашга эътибор катта.

Истиқдoliniнг 12 йиллик байрами арафасида Шоҳмашҳад қишлоғида 320 ўрнилик мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Икки йил аввал Ғазовот маъиш хизмат коллежи қўриб битказилган, касб-хўнаж мактаби қайта янгиланган, саноат йўналишидаги коллежа айлантирилган эди. Бугун Кеналас қишлоғида яна битта коллеж бунёд этилмоқда.

Туман ёшлари фақат мактабда эмас, олий ўқув юртида ҳам билимдон, фаол. Халра қишлоғида туғилди ўсган Урганч давлат университети магистранти Исҳоқжон Исмонлов яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендианти бўлгани бунга бир мисол. Ана шу билимдон, иқтидорли ёшлар Қўшқўпирнинг келажаги, ишончи.

Лекин туман аҳлини кичик ва ўрта саноат тизими қаноатлантирмайди. Бу ерда Италия усуналари ўрнатилган сутни қайта ишлаш шўба корхонаси ишлаб турибди. Туманга чет эл технологияси ва сарможаларини жалб этиш йўлида ўнлаб

Оббек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири, Бекпўлат ҲАСАНОВ, журналист.



«Коидзумининг иккинчи Вазирлар Маҳкамаси»

Кеча Япония парламенти депутatlари Токиодаги навбатдан ташқари сессиясида Жунитиро Коидзумини яна мамлакат Бош вазирлиги этиб сайлади.

Сайловлардан олдин эрталаб ҳукумат бутун таркибда Конституцияга мувофиқ раҳман истеъфога чиқди. Сунгра Бош вазир сайловлари аввалида қуйи палатада, кейинчалик юқори палатада бўлиб ўтди.

Маълумотларга кўра, Коидзумининг номзодини бошқарув коалициянинг депутатлари фаол қўллаб-қувватлаган. Коалицияда Коидзуми раҳбарлик қилаётган Либерал-демократлар партияси асосий роль ўйнайди.

Сайлов натижаларига қараганда, Бош вазирнинг номзодини сиёсий тadbирда қатнашган 479 депутатдан 281 нафари маъқуллаб овоз берган. Унинг асосий рақиб, Демократлар партияси етакчиси Наото Канага — 186, мамлакат компартияси МК

котибияти раиси Кадзуо Сиита эса 9 киши овоз берган.

Кузатувчиларнинг фикрича, Коидзуми раҳбарлик қилаётган ЛДП икки палатада ҳам кўпчилиكنи ташкил қилганини инобатга олганда, янги Бош вазир ҳукумат раҳбарлигини ҳам ўзида сақлаб қолиши керак.

Аммо муҳолифатчилар мағлубиятга қарамай, бошқарув коалициясига муносиб жавоб қайтаришини билдирмоқда. Кеча эрталаб парламент фракциялари раҳбарларининг бўлиб ўтган йиғилишида сессиянинг неча кун давом этиши буйича мунозаралар юз берди. Бошқарув коалицияси сессия 9 кун, яъни 27 ноябргача давом этишининг тарафлари, Муҳолифатчилар эса уни узайтириш

фикрида. Уларнинг айтишича, жиддий муҳокама этилиши лозим бўлган масалалар мавжуд. Хусусан, япониялик ҳарбийларни Ироққа юбориши мамлакат аҳолисини ўйлантирмоқда.

Яна Коидзуми Вазирлар Маҳкамасининг янги таркибига ҳам аниқлик киритиши лозим. Лекин у шу йилнинг сентябрь ойида Маҳкамата ўзгаришлар киритганини ва ҳозирча ҳаммаси аввалгидай қолишини маълум қилди. Шунинг учун Япония императори Ахиконо янги ҳукуматни эски таркибда маъқуллаши кутилмоқда. Маълум бўлишича, мазкур ҳукумат «Коидзумининг иккинчи Вазирлар Маҳкамаси» деб аталади.

С. Дониёров.



Ер ҳайдасанг, куз ҳайда...

Жомбой тумани галлакорлари ва пахтакорлари жорий йилда белгиланган давлат буюртмаларини ошириб бажардилар. Хусусан, 14 минг гектар майдондан давлатга 62 минг тонна галла сотилган бўлса, 7 минг гектар ердан эса 16 минг тонналик пахта хирмони уйшди.

Кисловчи мослама ёрдамида кузги-қишки тadbирлар жабдал амалга оширилмоқда. Галла ишқорлари эса оби-тобида парварши қилинаётганлиги тўғрисида кўнаби раишамоқда.

— Кузги ишдорлари ишларини тезроқ якунлашимиз керак, — дейди Хўжа Низаматов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Ўзбекистон

Қаҳрамони Аваз Эргашев. — Ҳозирги кунда 50 фоздан кўпроқ экин майдони сифатли ишдорларни, пушта олиб кўйишди.

СУРАТЛАРДА: бош пудратчи Фуқат Мелинов галла майсалари ривожидан хурсанд; ишдорлар.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (Ўза) олган суратлар.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ 2003 ЙИЛ 9 ОЙИ ЯҚУНЛАРИ БЎЙИЧА РЕЙТИНГ БАҲОЛАРИ

«Ахбор-рейтинг» банкларари рейтинг компанияси мамлакатимиз тижорат банкларининг жорий молиявий фаолиятини деярли 7 йилдан бери ҳолис таҳлил қилиб, уларни рейтинг асосида баҳолаб келмоқда. Банклар ўртасида кўраиб бораётган рақобат, янги миқозларни жалб этишга интилиши шароитида ушбу компаниянинг рейтинг баҳолари ўзларига мос келувчи банкни танлаётган ҳолати ва ҳуқуқий шахслар учун ўзига хос мўлжал бўлиб хизмат қилади.

Тижорат банклари молиявий фаолиятининг 2003 йил 9 ойлик яқунлари буйича навбатдаги рейтингда мамлакатимизнинг 33 тижорат банкидан 28 таси иштирок этди.

Жорий йилнинг 9 ойи яқунлари буйича абсолют рейтинг баҳолари барча рейтинг иштирокчиларини ўзаро таққослаш натижаларига кўра олинган. Шунингдек, ҳар бир банкнинг жорий рейтинг баҳоиси ўтган йилнинг мувофиқ давридаги рейтинг баҳолари билан таққосланган. Бу эса бизга ушбу банк фаолияти натижаларини нафақат ўтган вақт мобайнида, балки ушбу банк тегишли бўлган банклар гуруҳи билан ҳам таққослаш имконини беради. Икки сана буйича тақдим этилган 49 та ҳужжатлар мажмуасининг (7 та банк ўтган йилги рейтингда иштирок этмаган) таҳлили акс эттирилган гуруҳлар рейтингини алоҳида сана буйича босиб чиқарилган рейтингдан фарқ қилади. Бунда ҳар бир банк нафақат бошқа банклар билан, балки ўзининг ўтган йилги фаолият натижалари билан ҳам таққосланади.

«Ахбор-рейтинг» БРКнинг яқуний рейтинг баҳолари буйича батафсил ва атофлича ахборотлар газетхонлар эътиборига 1-жадвалда тақдим этилмоқда. Жадвал алоҳида банкнинг ҳам, банклар гуруҳининг ҳам ҳолатини таққослаш имконини беради.

Жорий йилнинг ярим йили рейтинг натижалари билан солиштирадиган бўлса, йирик банклар гуруҳида «Галлабанк» ўз ҳолатини яхшилаб, 7-ўриндан 6-ўринга силжиди. Ўрта банклар гуруҳида эса «Хамкорбанк» гуруҳ ичида биринчи ўринга чиқди. «Алоқабанк» ўтган йилги натижаларини яхшилаб, гуруҳда учинчи ўринга сазовор бўлди. Кичик банклар гуруҳида деярли ўзгариш йўқ.

Иккинчи жадвалнинг таҳлили шуни кўрсатадики, йирик банклар гуруҳида йилнинг ўтган чораги натижаларига нисбатан деярли ўзгариш юз бермади. Фақат шуни таъкидлаш жоизки, «Галлабанк» капиталнинг етарли рейтингини буйича учинчи ўриндан иккинчи ўринга силжиди. Ўрта банклар гуруҳида «Бизнес банк» ва «Хамкорбанк» молиявий кўлами буйича биринчи ва иккинчи ўринларни эгалладилар. Бу гуруҳда «Бизнес банк» икки марта, «Алоқабанк» ва «Авиабанк» бир мартадан биринчи ўринга сазовор бўлдилар.

Кичик банклар гуруҳида эса деярли янгилик бўлмади. «Алп Жамол банк» ўз ўрнини яхшилаб, ликвидлик буйича биринчи ўринга чиқди. «Алп Жамол банк» икки марта, «Ўқтамбанк» ва «DAVR-BANK» эса бир мартадан биринчи ўринни эгалладилар.

Гуруҳдаги ўрин (1.10.03)	Банк	Яқуний абсолют рейтинг (1.10.03)	Балл	
			1.10.02	1.10.03
ЙИРИК БАНКЛАР				
1	ТИФ Миллий банки	99.16	93.80	95.51
2	«Асака» банки	98.63	85.94	87.00
3	«Пахтабанк»	93.76	58.81	63.54
4	«Ўзўйжойжамгармабанк»	87.47	37.14	46.48
5	«Ўзсаноатқурилишбанк»	85.72	36.46	42.71
6	«Галлабанк»	76.35	14.53	26.86
7	АБН АМРО БАНК МБ Ўзбекистон АЖ	65.11	—	14.32
8	«Халқ банки»	63.59	14.92	13.03
Ўрта банклар				
Гуруҳда рейтинг балларининг ўртача ўсиши — 4,79				
1	«Хамкорбанк»	55.38	58,84	88,63
2	«Ўзприватбанк»	55.32	—	88,52
3	«Алоқабанк»	54.08	55,97	85,77
4	«Бизнес банк»	51.07	75,44	77,77
5	«Трастбанк»	44.56	43,69	55,65
6	«Авиабанк»	43.60	78,01	52,06
7	«Ипак йўли» банки	43.02	27,74	49,85
8	«Туронбанк»	40.79	51,33	41,46
9	«Ўзтадбиркорбанк»	40.50	45,41	40,38
10	«Савдогарбанк»	37.04	63,97	27,99
11	«Парвинабанк»	28.05	2,23	5,41
Кичик банклар				
Гуруҳда рейтинг балларининг ўртача ўсиши — 4,96				
1	«Ўқтамбанк»	35.65	—	82,53
2	«Алп Жамол банк»	33.97	83,17	80,36
3	«Капитал банк»	28.67	—	72,44
4	«DAVR-BANK»	25.02	—	65,99
5	«Капитал банк»	18.90	—	53,21
6	«Истикболбанк»	14.41	48,73	42,20
Гуруҳда рейтинг балларининг ўртача ўсиши — 6,15				

2003 ЙИЛНИНГ 9 ОЙИДА УМУМИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ БЎЙИЧА ГУРУҲЛАР ИЧИДАГИ ЕТАКЧИ БАНКЛАР*

Умумий кўрсаткичлар	Ранг	Йирик банклар	Ўрта банклар	Кичик банклар	Қўшимча маълумот
Молиявий фаолиятнинг кўлами	1	«Асака» банки	«Бизнес банк»	«Алп Жамол банк»	Банк фаолиятининг натижаларини акс эттирувчи кўлаб молиявий коэффициентлар «Ахбор-рейтинг» компанияси методикаси буйича кўйилган мўҳим умумий кўрсаткичларда келтирилган:
Капиталнинг етарлиги	1	«Асака» банки	«Авиабанк»	«Ўқтамбанк»	- молиявий фаолият кўлами — банкнинг капитални аҳамияти, активлари ва даромади билан аниқланган молиявий вази: еки йириклигини акс эттиради;
Ликвидлик	1	«Пахтабанк»	«Бизнес банк»	«Алп Жамол банк»	- капиталнинг етарлиги — молиявий операцияларни ўзининг маблағлари билан таъминлаш даражасидир;
Фойда кўриши	1	«Галлабанк»	«Алоқабанк»	«DAVR-BANK»	- ликвидлик — банкнинг миқозлар олдида мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиш имкониятидир;
	2	«Ўзўйжойжамгармабанк»	«Хамкорбанк»	«Ўқтамбанк»	- фойда кўриши — банкнинг ўзини ва жалб қилган пул маблағларини кўпайтира олиш қобилияти;
	3	«Пахтабанк»	«Бизнес банк»	«Универсал банк»	- яқуний абсолют рейтинг — юқорида келтирилган 4 та кўрсаткичларнинг йиғиндисидан келиб чиқади.

* Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки 2-жадвалга киритилмаган. Сабаби, ушбу банкнинг молиявий кўламининг йириклигини ва бошқа алоҳида бир умумий кўрсаткичларини ўзига мос бўлган ҳар қандай давлатларнинг тегишли банклар билангина таққослаш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ «АХБОР-РЕЙТИНГ» БАНКЛАРАРО РЕЙТИНГ КОМПАНИЯСИ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 20 ТА ЕТАКЧИ БАНКИ»

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси, омонатчилар ва тadbиркорларни ҳамда бўлажак миллий ва хорижий сармоядорларни мамлакат банк сектори ҳақидаги ҳолис таъминлаш, республика тижорат банкларига кўрсатилаётган хизматлар турини кўпайтириш мақсадларида «Ахбор-рейтинг» компанияси янги махсулот — «Ўзбекистон тижорат банкларининг рейтингини ишлаб чиқди».

Рангнинг — бир қанча банклар (корхоналар)нинг уларнинг баъзи бир молиявий кўрсаткичлари буйича сон жиҳатдан баҳолаш, рўйхатини тузишдир.

Рангнинг тизими бозор субъектлари (тижорат банклари) фаолиятини рейтинг баҳолаш билан биргаликда кенг қўллангилди. Бу бўлажак сармоядорларга ва барча қизиққан шахсларга ушбу субъектнинг ўзига ўхшашан ташкилотлар ичида тугган ўринни белгилаш имконини беради. Мисол тариқасида ҳар йили эълон қилинадиган «Top 1000 World Bank» номли The Banker журналининг рейтингини келтириш мумкин.

- Компания кўйилган номлардаги рейтингларни йилнинг ҳар чорагида эълон қилиб бориш ниётида:
- 1) активлар миқозини — банкнинг бирликке биқ кўламини даражасини билдиради;
 - 2) акционерлик капитални — банкнинг акциядорлар томонидан ресурслар билан таъминланганлик даражасини билдиради;
 - 3) жисмоний шахсларнинг омонатлари — бир томондан аҳолининг банкка бўлган ишонч даражасини кўрсатса, иккинчи томондан ушбу банк хизматларининг аҳоли учун манфаатлилик даражасини билдиради;
 - 4) ажратилган кредитлар — банк миқозларининг кўламининг ҳамда кредитлаш фаолиятини ташкил этиш даражасини кўрсатади.
- Ушбу рейтинглар банкни республиканинг барча банклари ичида ҳамда ўзининг гуруҳида тугган ўринни аниқлаш имконини беради.

«АХБОР-РЕЙТИНГ» БАНКЛАРАРО РЕЙТИНГ КОМПАНИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 20 ТА ЕТАКЧИ БАНКИ 2003 ЙИЛНИНГ 9 ОЙИ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА*

№	Акционерлик капитал	Активлар миқозини	Ажратилган кредитлар	Жисмоний шахсларнинг омонатлари
1	Миллий банк	Миллий банк	Миллий банк	Миллий банк
2	«Асака» банки	«Пахтабанк»	«Ўзсаноатқурилишбанк»	«Халқ банки»
3	«Пахта банк»	«Асака» банки	«Асака» банки	«Ўзсаноатқурилишбанк»
4	«Ўзсаноатқурилишбанк»	«Ўзсаноатқурилишбанк»	«Пахтабанк»	«Пахтабанк»
5	«Ўзўйжойжамгармабанк»	«Ўзўйжойжамгармабанк»	«Ўзўйжойжамгармабанк»	«Ўзўйжойжамгармабанк»
6	АБН АМРО БАНК МБ ЎЗБЕКИСТОН АЖ	АБН АМРО БАНК МБ ЎЗБЕКИСТОН АЖ	«Галлабанк»	«Хамкорбанк»
7	«Халқ банки»	«Халқ банки»	«Савдогарбанк»	«Галлабанк»
8	«Галлабанк»	«Галлабанк»	«Ўзтадбиркорбанк»	«Асака» банки
9	«Садрат банк»	«Савдогарбанк»	«Хамкорбанк»	«Бизнес банк»
10	«Бизнес банк»	«Бизнес банк»	«Халқ банки»	«Савдогарбанк»
11	«Ўзприватбанк»	«Ўзтадбиркорбанк»	«Ипак йўли» банки	«Ўзтадбиркорбанк»
12	«Хамкорбанк»	«Турон» банки	«Бизнес банк»	«Турон» банки
13	«Ўзтадбиркорбанк»	«Хамкорбанк»	«Турон» банки	АБН АМРО БАНК МБ ЎЗБЕКИСТОН АЖ
14	«Савдогарбанк»	«Ипак йўли» банки	«Ипак йўли» банки	«Ипак йўли» банки
15	«Алоқабанк»	«Ўзприватбанк»	АБН АМРО БАНК МБ ЎЗБЕКИСТОН АЖ	«Замин» банки
16	«Ипак йўли» банки	«Алоқабанк»	«Замин» банки	«Алоқабанк»
17	«Авиабанк»	«Парвина» банки	«Алоқабанк»	«Парвина» банки
18	«Турон» банки	«Замин» банки	«Узприватбанк»	«Авиабанк»
19	«Трастбанк»	«Трастбанк»	«Трастбанк»	«Трастбанк»
20	«Замин» банки	«Садрат банк»	«Универсалбанк»	«Универсалбанк»

* рангнинг маълумотларининг 29 банк иштирок этди.

2003 йил 23 декабрь **ЭЪЛОН!** **СОАТ 10.00 да**

№ 557 Навоий-Пахтакор	№ 922 Навоий-Карноб
№ 605 Гиждувон-Учкудук (Гиждувон томондан)	№ 931 Қарши-Бекобод (Бекобод томондан)
№ 748 Нукус-Урганч (Урганч томондан)	№ 934 Косон-Бухоро
№ 774 Кўкон-Чодак (Чодак томондан)	№ 940 Октош-Қарши
№ 778 Тошкент-Пахтабод (Тошкент томондан)	№ 945 Урганч-Шахрисабз
№ 822 Оққўрғон-Гулистон (Гулистон томондан)	№ 969 Гулистон-Зомин (Зомин томондан)
№ 829 Булунгур-Усмат (Усмат томондан)	№ 971 Сирдарё-Жиззах
№ 825 Сирдарё-Бўка (Бўка томондан)	№ 973 Жиззах-Пахтабод (Пахтабод томондан)
№ 830 Андижон-Учкудук	№ 1004 Усмат-Самарқанд
№ 831 Чуст-Марғилон-Жумашуй	№ 1021 Сайхун-Самарқанд
№ 863 Самарқанд-Гагарин (Гагарин томондан)	№ 1048 Нукус-Хазорасп (Хазорасп томондан)
№ 892 Кўкон-Ўзжамиллоқ-Поп	№ 1064 Андижон-Марғилон-Кўкон (Андижон томондан)
№ 904 Чирчик-Самарқанд	№ 1067 Хонобод-Кўкон
№ 907 Урганч-Кўнгирот-«Дўстлик» ж.х. («Дўстлик» ж.х. томондан)	№ 1070 Янгиер-Томиров
№ 911 Фарғона-Мархамат	№ 1072 Ховос-Жўйлангли
№ 918 Тўртқул-Урганч	№ 1074 Ховос-Эрганагли
№ 921 Самарқанд-Оққўрғон	

Шаҳарлараро-вилоятлараро автобус йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ

Очиқ тендерда, мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарлараро йўловчи ташини амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари буйича идоралараро комиссия.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, «Анхор бўйи» кўчаси, 4-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар идоралараро комиссияга тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги «Турон» АТБ 2021000000745005012 махсус х/р (банк коди 00446, ИНН 202811527, ХХТУТ 97300)га 25 минг сўм ўтказиб, 2003 йил 19 декабрь соат 17.00 гача буюртма беришлари лозим.

Идоралараро комиссия тендер тақлифларини 2003 йил 22 декабрь соат 17.00 гача қабул қилади.

ТЕНДЕР ўтказиш манзили: Тошкент ш., Усмон Юсупов к., 3-уй, Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги мажлислар зали.

Маълумот учун телефон: 41-56-27.

Милициянинг тезкор хабари

Эгасига қайтарилди

Самарқанд вилоятининг Булунгур тумани ички ишлар бўлимига Ф. Маҳкамов номидан ариза тушди. Унга кўра, номаълум шахс унинг ИЖ-2125 русумли автоуловини ҳайдаб қочган. Ўтказилган тезкор тadbир давомида шу туманда яшовчи О. Эркўлов далилий ашё билан қўлга олинди. Автомашинани техник соҳ ҳолда эгасига қайтарилди.

«Героин» сотмоқчи эди

Бухоро шаҳрининг Тўқимачилик туманида тезкор тadbир ўтказилди. Тadbир якунида ҳеч қерда ишламайдиган Т. Қосимов ва унинг дўсти Ф. Абдуллаевлар ички ишлар идорасига келтирилди. «Бизнинг айбимиз йўқ», дея жавобгарликдан қўрққан бу шоввозлар «героин» моддасини олди-сотди қилаётганда қўлга олинди.

Адибхон РАХМАТУЛЛАЕВА, ИИБ Матбуот хизмати жоматчиси.

«ТЕЗИНТОМ» ЎЗБЕКИСТОН-ГЕРМАНИЯ ҚҚ

ЎЗ ХАРИДОРЛАРИГА ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚУРИЛИШ АНЖОМЛАРИНИНГ ЎТА ЗАМОНАВИЙ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

ТУРАЙ РАНГАЛИ ҲА ЗАМОНАВИЙ ТОМ БИЛАН АНЖОМЛАРИДАН ИБОРАТ БУЛАВИШ ТУРАЙ ҲА ЗАМОНАВИЙ КОМПЛЕКТАЛАРИНИ ТУЗУВЧИ

Ўзбекистон ва давлат металлургиячилар алоҳида тарзда уч ҳафта илгари профил баъзидаги 19 мм кўра турли асослардан (ғим-дирдан замонавий). Металлургиячи ва профилда тургани 0,60 дин 12 метрлик. 1 эвадат негр асосларнинг вази 4,5 кг. Тон асосларнинг барча кўра турларидан ҳеч та ҳолатидан тайёрланади.

ДВОР ВА ОСМА ШИՇОТ ДЕКОРАТИВ ПАНЕЛАРИ, УРНАТЎЧ ЗАБИНАЛАРИ БИЛАН БИРГАЛИКДА

Турай рангади помере қўрамалик, қамони 0,3 ммлик илган қола.

Манзил: Тошкент ш., Мухитанов к., 1 (ТЭОМЗ-1) МФЖАЛ: «Буқок Ипак йўли» м. с.т.

«ТЕЗИНТОМ» қўшма корхонаси махсуотларининг нарҳларини сезиларан камайтирилган

Тел.: (998-71) 162-42-47, 162-78-59, 162-42-74. Факс: 162-41-05. E-mail: tezintom@globonet.uz

Бунга кўп бўлгани йўқ. Ёз ойлари бир янгиликдан хабар топиб қолдим. Тошкент фармацевтика институти вакиллари Украина Миллий фармацевтика университетида бўлиб, фан ва жамиятнинг ижтимоий муаммолари — фармация, тиббиёт ва биотехнологияга бағишланган халқ аро анжуманида қатнашди. Аслида, бугунги кунда бу оддий бир гап, оддий хабар. Лекин дунё бўйича мустақил, алоҳида фармацевтик олий ўқув юртлири унчалик кўп эмаслигини, Марказий Осиёда Тошкент фармацевтика институти ягона бўлса, Европа давлатлари ичида энг катта фармацевтик таълим маскани Украина Миллий фармацевтика университети экани ҳисобга олинса, бу билим даргоҳларининг ҳамкорлиги малакали кадрлар тайёрлашда нечоғли катта аҳамият касб этиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас...

Истиқлол берган имконият

асалари, кўшма корхоналар фаолият кўрсатиб келмоқда, — дейди институт раҳбари А. Юнусхўжаев. — Лекин соҳа бўйича мутахассислар етишмагани сабабли бир қатор корхоналарда катта харажатлар эвазига чет эл му-




Хаётий муаммо муҳокамаси

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш Оролбўйи минтақасига кирувчи Бухоро вилоятининг иқтисодий-ижтимоий муаммоларидан бири ҳисобланади. Ушбу масалалар "Экосан" халқаро жамғармаси йўналишида алоҳида таъкидланади.

бўла оладиган фармацевт кадрлар тайёрланади бу масканда

ўқитиш тизими яратилаётганлигига, янги педагогик технологиялар жорий этилаётганлигига, ёшлар Интернет тармоғи ёрдамида дунё билимларидан бохабар бўлиб, илмий фойдаланаётганликларига ҳавас билан қарашди. Дарҳақиқат, институт профессор-ўқитувчилари Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг сифат босқичини ўқув жараёнига жорий этиш бўйича мунтазам изланиш олиб боришмоқда. Бу ерда замонавий компьютерлар билан жиҳозланган ахборот технологиялари маркази ташкил



этилган. Ўқув жараёнида дорихоналар фаолиятининг иқтисодий таҳлили, дори воситалари ва тиббий бўйлар давлат реестри сингари янги электрон кўлланмалардан кенг фойдаланилади.

Маълумки, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастуриде республикада дори воситалари бўйича мустақилликка эришиш вазифаси белгилаб қўйилган.

— "Узфармасаноат" ДАК таркибиде ва ҳусусий секторда ҳозирги кунда етмишга яқин ишлаб чиқариш муас-

улари Марказий Осиё давлатларининг фармацевтика факультетларига татбиқ қилиш тавсия этилди. Шунингдек, Москвадаги, Молдова, Санкт-Петербургдаги тиббиёт ва фармация олий ўқув юртлири билан ҳам ҳамкорликда шартномалар тузилиб, ўқув услубий, илмий ишлар борасида биргаликда ўқув адабиётларини яратиб режалаштирилган. Умумасбий ва мутахассислик блокларидеги фанларни ўқув адабиётлари билан бойитиш мақсадида эса 500 дан ортиқ адабиётлар чет эллардан келтирилди.

Ўзбекистон ва Украина фармацевт олимларининг икки йиллик ҳамкорлиги эса ҳар иккала давлат фармацевтика таълимининг интеграциясига асос бўлди. Эндиледа республикамиз учун зарур бўлган ишлаб чиқариш меъмурият, муассаса иқтисодиёти, парфюмерия-тери косметик воситалар технологияси, ветеринар фармация каби ихтисосликларни очиб зурари яти тузилган бир паллада бу халқаро ҳамкорлик натижалари ўз самарасини кўрсатиши, шубҳасиз.

Умид ФАЙЗИЕВА, "Халқ сўзи" мухбири.

Келажак пойдевори



Бу билим масканларининг ҳар иккаласи бугунги кунда бозор иқтисодиётига асосланган тараққиёт йўлидан халқаро тажрибаларга таяниб ривожланиб бормоқда. Албатта, бу даврда фармацевтика соҳасида катта ўзгаришлар содир бўлди. Дорихоналар, фармацевтик корхоналарнинг ҳусусийлаштирилиши кўпгина муаммоларни келтириб чиқарди. Уларнинг ечимига ҳам ҳар бир мустақил давлатда ўзгача ёндашилди. Чунончи, мустақиллик йилларида мамлакатимизда фармацевтика соҳасида тизимли равишда ишлаб чиқарувчи муассасалар, кўшма корхоналар ташкил этилди. Бу ўз навбатида, дори-дармон ишлаб чиқариш соҳаси учун кадрлар тайёрлаш муаммосини вужудга келтирди. Бунга жавобан Тошкент фармацевтика институтида дастлаб биотехнология, кейинчалик сананоат фармацияси ихтисосликлари очилди. Табиийки, бу мураккаб вазифани ҳал этиш учун ўқув режалари, дастурлар, малакали ўқитувчилар, лаборатория жиҳозлари, асбоб-ускуналар топиш зарур бўлди. Бу боралда хорижий ҳамкасблар, чунончи, Украина Миллий фармацевтика университети яқиндан ёрдам берди. Бу даргоҳ бугун жон фармацевтларининг эътиборига тушган, ўзига хос олий ўқув юртидир. Унда 9000 нафар талаба

таҳсил олади. Университет олимлари барча ихтисосликлар бўйича дарсликлар, ўқув кўлланмалари яратилган, юзлаб дори-дармонлари тиббиётга жорий этилган.

— Ана шундай салоҳиятга эга илм даргоҳи билан бизнинг институтигимиз ҳамкорлик урнатилган муваффақ бўлди, — дейди Тошкент фармацевтика институти ректори, фармацевтика фанлари доктори, профессор Аҳмад Юнусхўжаев. — Дастлаб сананоат фармацевтика бўйича Украинага бир неча ёш, билимдон ўқитувчилар малака оширишга юборилди. Кейин украиналар мутахассислар ҳам бизга ташриф буюришди, илмий анжуманларда иштирок этишди. Республикаимиз таълимининг тараққиёт концепцияси — Миллий дастур асосида олий ўқув юртимизда бакалаврият бўйича биотехнология, агроэкология, фармацевтика педагогика, сананоат фармацияси йўналишларида, магистратура бўйича эса иккита ихтисосликда кадрлар тайёрланаётганлиги, бу соҳалар мамлакатимизда устувор эканлиги ҳамкасбларимизни бефарқ қолдирмади. Шунингдек, улар институтида ўтказилаётган ислототларга — ўқув кўлланмаларининг электрон нусхалари воситасида масофавий

Болажонларнинг боғи эраму

Андижон шаҳрининг қоқ марказида бошқа маданият ва истироҳат боғларига сираям ўхшамайдиган ажойиб бир боғча бор. Бу ер эртаю кеч болалар билан гажум бўлади. Ёшлар шодон кийкириқлар ҳоваларида. Оқшомлари чиқорлар шодаси порлаб, рангин ёғдулар ажиб тароват касб этади. Бу беш гектарни эгаллаган болажон боғи.

Халқаро даражадаги йигирмадан ортиқ ўйин-аттракцион кичкинтойларни бағрига чорлагани-чорлаган. Айниқса, германияликлар лойиҳаси асосида барпо этилган чўмилиш ҳавзаси, Туркиядан келтирилган автопоезд, Хитойда тайёрланган «Буюк ипак йўли» майдон, болаларга жуда яхши таниш бўлган семимли эртак қаҳрамонларнинг ҳайкаллари нафақат кичкинтойлар, балки катталарга ҳам манзур бўлаётир.

— Болажонларимиз мазза қилиб яйрабгина қолмасдан, жемонани чиқинчи ҳам, — дейди боғ раҳбари Муталлибжон Тухтажонов. — Бола ёшларидан спорт билан шуғулланса касалликларга кам чалинади. Соғлом бўлади. Шу мақсадда юз метр масофада югуриш йўлакчаси, теннис корти, «Яшил чирок» майдони ташкил этганимиз. Виллоят халқ таълими билан ҳамкорликда спорт мусобақалари ўтказганимиз.

Энг баланд чархалакда юксакларга кўтарилиш, шаҳарни томоша қилиш кимга ҳузур

О. ШОДНОАЛИЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.

«Вила — Ватан таянчи»

М. Уйғур номидаги Тошкент давлат сананоат институтида «Ўзбекистонда оила ва никоҳнинг маънавий-маърифий асослари» мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

— Маълумки, оиланинг негизини никоҳ ташкил этади, — дейди институт ректори Б. Сайфуллаев. — Никоҳ — факатгина никоҳданувчиларнинг шахсий иши эмас, унинг заминиде ижтимоий манфаат, яъни янги авлод тақдирини ётади.

Конференцияда қатнашган олим, ўқитувчи ҳамда мутахассислар ўзлари тушлаган билим ва тажрибаларига таянган ҳолда оиланинг жамият ва оилдаги ўрни, болалар тарбиясида оиланинг аҳамияти, саҳна асарларида оила муаммоларининг ёритилиши мавзуларида чиқиш қилишди.

Жамшед ТОҒАЕВ, талаба.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗИ ХАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 сентябрдаги «Section-416 (b)» дастури доирасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш лойиҳаларини маблағ билан таъминлашнинг асосий йўналишларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қишлоқ хўжалиги соҳасидаги амалий тадқиқотлар бўйича

ЛОЙИҲАЛАР ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловни ўтказишдан мақсад республика илмий муассасалари томонидан Фан ва технологиялар марказининг амалий тадқиқотлар дастурлари доирасида давлат гранти бўйича қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг савиясини кўтариб, қўламини кенгайтириш, самарадорлигини ошириш ҳамда уларнинг илмий натижаларини ишлаб чиқаришга тезкорлик билан жорий этилишини таъминлашдир.

Танловга селекция, уруғчилик, ген инженерияси, ерларнинг унумдорлигини ошириш, сувни тежовчи технологиялар соҳасидаги амалий тадқиқотларни ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштиришга қаратилган лойиҳалар қабул қилинади.

Танловга тушган лойиҳаларни таҳлил қилиш, голибларни аниқлаш ва ҳар бир грантга ажратиладиган маблағ миқдорини белгилаш вазифасини Фан ва технологиялар маркази ҳамда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази билан ҳамкорликда тузилган ишчи гуруҳи амалга оширади.

Танловда Фан ва технологиялар марказининг амалий тадқиқотлар дастурлари бўйича давлат грантига эга бўлган ва селекция, уруғчилик, ген инженерияси, ерларнинг унумдорлигини ошириш, сувни тежовчи технологиялар соҳасида илмий тадқиқот ишлари олиб бораётган республиканинг барча илмий муассасалари (улар қайси вазирлик ва идора тасарруфида бўлишидан қатъи назар) ўз лойиҳалари билан қатнашишлари мумкин.

Танловга тегишли барча зарур маълумотлар, лойиҳаларни расмийлаштириш тартиби ва асосий қоидалари билан Фан ва технологиялар маркази ҳамда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказида ёки Фан ва технологиялар марказининг қуйидаги интернет-сайтида танишиш мумкин: ila.uzsci.net/portal.



Лойиҳалар 2003 йилнинг 17 ноябрдан 1 декабрга қадар, шанба ва якшанба кунларидан ташқари, ҳар кун соат 10.00дан 18.00гача Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказида қабул қилинади (700128, Тошкент шаҳри, Усмон Юсуфов кўчаси, 1-уй). Маълумот учун телефонлар: 139-18-38, 133-69-53, 133-68-19.

Advertisement for 'РОССИЯ ШИНАЛАРИ' (Russia Tyres) featuring a truck tire and text: 'КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ АВТОШИНАЛАРИНИ СОТАДИ: Барча турдаги Тошкентдаги омборлардан ГАЗ, КамАЗ, УАЗ, ЗИЛ, МАЗ эҳтиёт қисмлари тўпламлари. Доимий чегирмалари мавжуд. РОССИЯ ТЕХНИКАЛАРИ УЧУН АККУМУЛЯТОРЛАР БУЮРТМА АСОСИДА. Тел./Факс: 79-20-75, 79-20-78. Маҳсулот сертификатланган.'

Advertisement for 'MAKSIMA МЕБЕЛЬ САЛОНИ' (Maksima Furniture Salon) featuring a modern interior design and text: 'Италия, Испания, Польша, Германиядан келтирилган мебеллар, ёриткичлар, қандиллар, идиш-товок, расмлар, кўрпа-ёстиқ анжомлари ва сананоат маҳсулотларини таклиф этади. МАКСИМА АРТ-ДИЗАЙН-СТУДИЯСИ. Хонадонингиз, ҳовлинингиз дизайнини яқна тартибда ишлаб беради. Каталог бўйича буюртмангиз ётказиб берилади. Ўзбекистон бўйича етказиб бериш — БЕПУЛ. Тушликисиз ва дам олий кўнисиш ишлаймиз. Манзил: Тошкент ш. Қўнаев к. (собиқ Сафарнава), 46-уй. Мўжаз — Микробод бозори. Тел.: 111-14-44, 152-75-94. e-mail: maksima@globalnet.uz. Товарлар сертификатланган.'

Advertisement for 'ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!' (People's Bank — Your Family Bank!) featuring a bank logo and text: 'Ўзбекистон бўйича етказиб бериш — БЕПУЛ. Тушликисиз ва дам олий кўнисиш ишлаймиз. Манзил: Тошкент ш. Қўнаев к. (собиқ Сафарнава), 46-уй. Мўжаз — Микробод бозори. Тел.: 111-14-44, 152-75-94. e-mail: maksima@globalnet.uz. Товарлар сертификатланган.'

Advertisement for '«ЎЗБЕК ИПАГИ» УЮШМАСИ' (Uzbek Wool Association) featuring a sheep and text: 'эркин муомаладаги валюта ва миллий валюта — сўмга мол хомашё биржалари орқали чет элга олиб чиқиш кетиш учун ассортиментда куйидаги маҳсулотларни таклиф этади: қуруқ пилла; табиий хом ипак №310 - № 429; ипак газлама; ипак шарфи. Узаро манфаатли ҳамкорликка умид қилган ҳолда ҳар қандай амалий тақлиқларни кўриб чиқишга тайёрмиз. Манзил: Тошкент шаҳри, Исмоилота кўчаси, 1-а-уй, «Ўзбек ипаги» уюшмаси. Телефон: (+99871) 169-17-76. Факс: (+99871) 169-17-85.'

Advertisement for 'Республика маҳсулоти ишлаб чиқариш «Усто» уюшмаси' (Republic Products Manufacturing 'Usto' Association) featuring a sheep and text: 'Собиран ШУКУРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради. Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети ректорини моҳир ташкилотчи, йирик кимёгар олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иxtiroчи, кимё фанлари доктори, профессор Собиржон ШУКУРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинлари чуқур таъзия иxtiro этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг жамонси Конституциявий судининг катта эксперти Музаффар Тожиёва отаси Турсун ТОЖИЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия иxtiro этади. Халқ санъати усталари «Устозода» корхонаси жамоаси Ўзбекистон халқ устаси, нарқош Собиржон ШУКУРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия иxtiro этади. Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ректорини, клиника ва жамоат ташкилотини Ўқув жараёни сифатини назорат қилиш инспекциясининг бошлиғи Усмон Нормуродовга укаси Комил НОРМУРОДОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия иxtiro этади.'

Footer section containing contact information for 'Халқ сўзи' (People's Word) newspaper, including address, phone numbers, and subscription details.